



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

**PEDIATR**№ 1-2 (878-879)  
16-Yanvar, Chorshanba  
2019-yilTOSHKENT PEDAISTRYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI  
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО  
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТАGazeta 1974-yil  
mardan chiqsa  
boshlagan

## ЭЗГУ НИЯТ ВА АМАЛЛАР УЙГУНИЛИГИ

**Б.Т. Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Кўз очиб юмгунча эски йил ҳам ўтиб кетди. У юртимиздаги улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини кўз ўнгимизда намоён қилди. Мамлакатимиз нуфузи дунё ҳамжамияти орасида тобора ошиб бораётганлигини хорижликлар эътирофларидан ҳам кўриш мумкин. Шу билан бирга иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар халқимиз турмуш даражасида ўз аксини топмоқда. Саховатли, пок виждонли меҳнатсевар халқимиз янги йилга энг эзгу ниятлар билан қадам босди.

Мухтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг ўтган йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасини буюк Имом Бухорий ҳазратларининг «Ал-Жомиъ ас Саҳих» асари: «Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилади» деган ҳадис билан бошланишини таъкидлар эканлар, бундаги чуқур маънога дикқат-эътибор қаратадилар.

Яхши ниятлар эса эзгу амаллар билан бирга уйғунлашганда бардавом бўлади.

Юртбошимизнинг ушбу Мурожаатномасида мамлакатимизда 2018 йилда амалга оширилган

асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2019 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларида акс этган эзгу амаллар ва истиқболдаги ишлар айнан шундай эзгу уйғунликни ташкил этади. Мурожаатноманинг ҳар бир банди халқимизнинг миллати, ёши ва касб-коридан қатъий назар, ҳар бир фуқаросига дахлдорлиги билан ажралиб туради. Бу мурожаатномадаги ҳар бир вазифани англаш, уни ўз ва Ватани тақдири билан қанчалик боғлиқ эканлигини хисқилиш ҳар бир ватанпарвар инсоннинг бурчиdir.

Ушбу Мурожаатномада Давлатимиз раҳбари мамлакатимизга инвестицияларни фаол жалб этиш масаласини қўйдилар. Албатта, бу жараён ижтимоий ривожланишнинг салмоқли одимлар билан юксалишига замин яратади. Ишбилармон тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, юртимизни обод ва фаровон мамлакатга, дунё ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол, етук инсонлар қилиб улгайтириш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланган.

Мутахассисларнинг билим даражаси юксаклиги, креативлиги, маҳорати соҳалар ривожини белгилаши шубҳасиз. Ушбу даража ва маҳорат эса

таълим сифати билан бевосита боғлиқ. «Бешикдан то қабргача билим изла» сўзлари халқнинг маърифатини болалигидан ривожлантириш, бу интилишни ҳар қайси даврда бардавомлигини таъминлашга ишорадир. Мурожаатномада таъкидланишича: «...таълим соҳасида давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим».

Шунингдек Мурожаатномада олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга каратилган ишларни янада кучайтириш, битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш вазифаси ҳам белгиланган.

Президентимиз бугунги кунда нафақат юртимиз, балки бутун дунё ҳамжамиятига мамлакатимизни ривожлантириш бўйича олдимизга қўйилган вазифаларни баён қилди. Ана шу вазифаларнинг энг асосийларидан бири бугунги кунда ҳар бир соҳада энг малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш.

Рақобат эса янгиланишини талаб қиласди. Янгиланишини ҳар биримиз ўз қалбимиздан, юқорида айтилганидек, эзгу ният ва амал уйғунлигидан бошламоғимиз керак. Бунда Мухтарам Президентимиз олиб бораётган сиёсат бизга ибрат бўлади.

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА АТАБ

11 январда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг кичик мажлислар залида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Уни Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.А. Ахмедова бошлаб бердилар.

Улар Ўзбекистоннинг мард ва жасур ўғлонларини 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалдан табриклидилар. Тинчлигимиз ва осойишта ҳәётимиз йўлида олиб бораётган эзгу ва хайрли ишларида улкан зафарлар, соғлик ва омад тиладилар.

Сўнг тадбирда қатнашаётган, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан эл ичida обрў топиб келаётган Ватан ҳимоячиларини ийғилганлар билан танишитирдилар.

Кейинги сўз подполковник Дилмурод Куришевич Тохировга берилди.

Улар ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, ҳалқнинг эрки унинг ўз армияси, Қуролли Кучлари томонидан ҳимоя қилинишини таъкидлар эканлар Президентимизнинг «Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қила олмайдиган, бунга куч-кудрати етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгadir итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади», – деган сўзларини яна бир бор эслатдилар.

Ха, Қуролли Кучларимизнинг ўтган 26 йиллик тарихига назар

ташлайдиган бўлсак, Президентларимиз раҳнамолигида миллий армиямизни тубдан ислоҳ қилиш натижасида Ватанни ҳимоя қилиш шарафли касбга айланганини кўришимиз мумкин. Ушбу давр ичida ҳарбий хизматнинг нуфузи бениҳоя ортди. Кўча-кўйда ҳарбий либосдаги йигитларга янада ҳавас ва хурмат

Ватан ҳимояси учун доимо шай туришни бурч деб ҳисоблаган. Ушбу байрамнинг нишонланиши ҳалқимизнинг ўз армиясига нисбатан чексиз ҳурматини, йигитларига нисбатан ифтихорини билдиради. Улар ҳарбийлар номидан барча Ватан ҳимоячиларини ушбу муборак байрам билан табриклаб ҳамда уларга оиласий тинчлик-хотиржамлик, соғлик-саломатлик тиладилар.

Сўз олган майор Шаймардонов Урал Болтаевич бу дунёда тинчлик-хотиржамликдан буюк неъмат йўқ, ҳалқимиз бир-биридан ҳол сўраганида аввало «тинч, омонмисиз» деб гап бошлайди деди. Хайрлашаётганида «тинчликда кўришайлик» деган истак билдиради. Дуога кўл очганда эса тилига энг аввал «тинчлик, хотиржамлик бўлсин» деган калом келади.

Тинчликни ҳимоя қиладиган, элни ёв хуружидан сақлайдиганлар эса юртнинг ҳарбийлари, аскарларидир. Тик қадди, жиддий чехраси, шаҳдам қадами, қатъий тартиб-интизоми, мард йигитлар экани ҳалқнинг уларга ишончини орттиради. Улар Ватанни жондай севадилар, кўз қорашибидай асрайдилар. Ўз келажагини, тақдирини, орзулари рўёбини ҳамда ҳаёти мазмунини факат мардлар сафифа, шарафли соҳада кўрган шижаотали ва мард ўғлонларгина Ватан фидойлари бўла оладилар.

Тадбир давомида фахрли меҳмонлар сўзга чиқиб ўз табрикларини, миннатдорчилик сўзларини билдиришиди.

Ходимлар касаба уюшмаси ради А.М. Маннонов ҳам йиғилган бугунги ҳарбийларга миннатдорчилигини билдиреди. Сўнг эса байрам муносабати билан институтимиз томонидан тайёрланган совғаларни топшириди.

**A. Худайбердиев**



билан қарайдиган бўлдик. Тақдирини юрт ҳимояси билан боғлаган асл ўғлонлар Юртбошимиз меҳрини, эътиборини, ғамхўрлигини ҳамиша юракдан ҳис килиб яшяптилар. Бу эътиборни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашдан тортиб, намунали хизмат қилган йигитларнинг олий ўқув юртига кириши-гача бўлган имтиёзларда кўришимиз мумкин.

Мана Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг йигирма олти йиллигини нишонламоқдамиз. Сермазмун кечган шаклланиш даврининг самараси бугунги ихчам, тезкор, замонавий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган, ҳар қандай ташқи тажовузга муносаб зарба бера оладиган, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳәётини ҳимоялашга қодир профессионал армиямиз тимсолида намоён бўлади.

Подполковник Рахматов Тўракул Эбадуллаевич ҳар бир йигитимиз Ватан ҳимоячиси эканлиги хақида сўзлади. Чунки, йигитларимиз ота-она ва оиласини, ўзи яшаштган юрт тупроғини муқаддас билиб,



# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ



«Ватан ҳимоячилар қуни» институтимизда кенг нишонланди. Жумладан, ушбу кун институтда Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари етакчилари билан «Мардлар қўриқлайди Ватани» акцияси бўлиб ўтди. Шунингдек ТТЖда ушбу санага бағишиланган ТТЖ жамоат ташкилотларининг тадбири бўлиб ўтди. Унда

ТТЖда яшовчи 1-2-босқич талабалари иштирок этишди. Ушбу тадбирда Ватан, тинчлик, юрт посbonлари ҳурматини улуғловчи шеърлар, сахна кўринишлари намойиш этилди.

Байрам муносабати билан ТТЖда яшовчи фаол йигитларга сертификатлар берилди.

*A. Худайбердиев*

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябриданги 278-сонли «Олий таълим муассасалари педагогик кадрларининг малакасини ошириш тўғрисида»ги бўйруғига асосоан 2018 йил 28 декабрда Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида «Халқаро ҳамкорлик ва инновациялар тиббий таълим ислоҳотларининг асосидир» мавзусида Республика тиббий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун ўқув-услубий анжумани ўтказилди.

Конференциянинг асосий мақсади: профессор-ўқитувчилар томонидан замонавий педагогик, компьютер, тиббий технологияларни муҳокама қилиш, уларни такомиллаштириш, хорижий тажрибани ўқув жараёнига татбиқ этиш.

Хозирги кунда институтнинг барча кафедраларида ўзбек, рус ва инглиз тилида ўқув-услубий мажмуалар тайёрланган ва ўқув жараёнига татбиқ этилган. Маъруза ва амалий машғулотларни ўтказиш учун ўқув-услубий материаллар тайёрланган: дарслик, мультимедияли маърузалар, тестлар, фильмлар ва бошқалар.

Конференцияни кириш сўзи билан институт ректори Б.Т. Даминов бошлаб бердилар. 10 та маъруза ва тақдимотлар эштилди. С.А. Убайдуллаеванинг «Тиббиётда таълим жараёни муаммоси, халқаро тажриба ва ечим» номли маъруzasи кенг қамровлиги билан, Ф.К. Тошпўлатованинг «Фтизиатрия мутахассислиги магистратура талабаларини тайёрлашда сил касаллигини даволаш ва ташхислашнинг инновацион технологиялари»

номли маъруzasи амалий аҳамияти билан тингловчиларни ўзига жалб қилди. Умуман, ҳар бир маъруза мавзуга янгича ёндашув, ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти бўйича зарур тавсияларга бой бўлди.

Анжуман якунида ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича ишлар режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Конференцияда тақдимот ўтказган маърузачилар дипломлар билан, иштирокчилар сертификатлар билан тақдирландилар.

Конференция материаллари бўйича мақола ва тезислар тўплами чоп этилди ва ушбу тўпламнинг электрон версияси дискларда институт барча кафедра ва бўлимларига, Республика тиббий таълим муассасаларидан келган иштирокчиларга тарқатилди.

*Нигора Исаханова*

# МЕЬЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР БИЛАН ИШЛАШ

7 январь куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институти АРМ залида «Таълимга оид меъёрий-хукукий хужжатларнинг мазмунни, моҳияти ва аҳамиятини профессор-ўқитувчилар орасида тарғиб этиш» – мавзусида семинар – мулокот ўтказилди. Семинардан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим тизими бўйича қабул қилинган асосий Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Махкамаси қарорларининг мазмун мөҳияти ва аҳамиятини институтимиз профессор-ўқитувчиларига етказиш бўлди.


Институт Ёшлар билан ишлаш проректори М. Ахмедова барча ийғилгандарни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш

тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш», «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларни фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларнинг мазмуни билан кисқача таништириди, институтда бу Қарорларда кўрсатилган вазифалар

ижроси таъминланаётгани тўғрисида айтиб ўтди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорларининг олий таълим муассасалари учун энг зарур бўлган қарорлари мазмуни билан ҳам таништириб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган қўшма қарорлар ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар ҳамда келгусида амалга ошириш лозим бўлган ишлар тўғрисида таклифлар киритилди.

Кенгаш давомида Гистология кафедраси профессори Э.А.Турсу-



нов ушбу Қарорлар бўйича бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, институт талаба-ёшларига ҳам Президент Қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш бўйича факультет маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, кафедранинг маънавият масъуллари ҳамда гурух мураббийларига тавсиялар берди. Бундай семинар-тренингларларни ҳар ой давомида ўтказиб борилишини йўлга қўйиш юзасидан таклиф тушди.



2-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари М.М. Алимова ОЎМТВ томонидан институттда ўтказиладиган «Маънавият ва ахборот соатлари»да тавсия этиладиган видеомаърузалар тўғрисида гапирди.

Тайёрланган видеороликлар ва маърузаларни Олий таълим муассасалари, Халқ таълими ҳудудий бошқармалари, ҳудудий мактабгача таълим бошқармалари ҳамда маҳаллаларга етказилиши, институтда ҳам ушбу маърузалар ва видеороликлар профессор-ўқитувчилар ва талабаларга маънавият ва ахборот соатларида намойиш қилиниши кераклиги таъкидланди. Уларнинг кисқача мазмуни ийғилгандарга тақдим қилинди.

Ушбу видеороликлар динийлик ва дунёвийликнинг ўзига хос жиҳатлари, ёшлар хукукий маданиятини оширишнинг инновацион йўллари, ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашнинг масалалари, оиласида ота-она ва фарзанд муносабатларини яхшилашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни, мамлакатимиздаги хотин-қизларнинг фаоллигини оширишда таълим ва тарбиянинг ўрни, ёшларнинг дунёкарашини шакллантиришда ота-онанинг устозлиги мавзуларига бағишлиган.

Мазкур видеороликлар Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими томонидан барча факультет ва кафедра профессор-ўқитувчиларига етказилиб берилмоқда.

*M.Ахмедова*

## ПЛАНИРУЕМЫЕ ИСЛЕДОВАНИЯ СВОЕВРЕМЕННЫ...



Наше интервью с молодыми учёными продолжается.

Напомним вопросы:

1. Опишите свой путь в науке.
2. В чём актуальность вашей темы?
3. Расскажите о научной и инновационной новизне вашей работы?

*1. Абдуллаева Умидा Умидовна.*

– Докторант – соискатель базовой докторантуры (PhD) 2 года обучения по специальности инфекционные болезни

1. С самого детства я мечтала стать врачом. Ведь это так благородно - помогать людям. Единственное, что изменилось с того времени, так это то, что я стала именно врачом инфекционистом. Интерес к науке начал проявляться во время обучения в Ташкентском педиатрическом медицинском институте, в студенческие годы активно участвовала в студенческом научном обществе и не раз занимала призовые места. Окончив в 2010 году институт поступила в магистратуру по специальности, «Детские инфекционные болезни», обучаясь в магистратуре под руководством профессора А.Х. Закирходжаева, к сожалению ныне покойного, было выбрано направление магистрской

работы, связанное с ВИЧ инфекцией. Проблемами ВИЧ инфекции я занимаюсь и по сей день. По теме диссертации (PhD) проходила повышение квалификации в Российской Федерации, сначала в СЗГМУ имени Мечникова, затем в Санкт-Петербургском государственном педиатрическом медицинском университете. Обучение в ведущих медицинских ВУЗах Российской Федерации мне дало возможность получить новые знания и практические навыки по своей специальности. Мне очень приятно, что сейчас многие интересуются нашей профессией. Как и про каждого специалиста, про себя я могу сказать то, что я очень внимательный человек, рассудительный, не делаю поспешных выводов и всегда всё перепроверяю, ведь в такой профессии как у меня нельзя ошибаться. Я считаю, чтобы стать высококвалифицированным специалистом в данной области, нужны призвание и ответственность, умение общаться с людьми и стремление помочь им.

2. В 2018 году поступив в базовую докторантуру ТашПМИ, была утверждена тема диссертационной работы «Клинико-лабораторные особенности течения ВИЧ инфекции с нарушениями микробного пейзажа кишечника у детей», научным руководителем был выбран заведующий кафедрой Эпидемиологии, инфекционных болезней, д.м.н., профессор И.А. Косимов, автор более 50 научных статей, выпустивший 12 кандидатов наук, 2 доктора наук. В современном

мире основные проблемы ВИЧ инфекции рассматриваются именно с точки зрения повышения темпов роста его распространения. Количество инфицированных в большинстве стран растет с каждым годом. Республика Узбекистан занимает далеко не последнее место по числу зараженных опасным вирусом. Актуальность проблемы ВИЧ инфекции в связи с этим крайне велика.

3. Существенную роль в возникновении нарушения микробного пейзажа кишечника играет стресс, прежде всего продолжительное психоэмоциональное перенапряжение, а пациенты с ВИЧ инфекцией особенно подвержены стрессу.

В доступной нам литературе мы не встретили современных работ, посвященных изучению указанной проблемы в условиях Республики Узбекистан. Это свидетельствует о своевременности и актуальности выбранной научной темы и планируемых исследований.

Инновационная новизна заключается в том, что впервые в работе будут определены степень нарушения микробного пейзажа кишечника у ВИЧ инфицированных, а также установлена взаимосвязь между степенью дисбиоза кишечника с уровнем CD4+ клеток и с вирусной нагрузкой. Также наиболее частым возбудителем нарушений микробного пейзажа кишечника у пациентов с ВИЧ является *Clostridium difficile*, данного возбудителя мы определяем новым для нашей Республики методом, определением глутаматдегидрогеназы в кале методом ИФА.



**Ахрарова Феруза  
Махмуджановна**

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти Факультет педиатрияси кафедрасининг 2 - босқич таянч (PhD) докторантураси изланувчиси

1. Илмга бўлган қизиқишим бевосита тиббиётга бўлган қизиқишиларим билан боғлиқ ва бу болалигимдан, аниқроғи, илк ўкувчилик пайтларимдаёқ бoshланган. Мени шифокорлар оиласида таваллуд топишим, шу мухитда улгайишими, тиббиётга бўлган қизиқишимнинг ортишига олиб келди. Кейинчалик мактабда кимё, биология фанларига қизиқишим мени тиббиёт институтига етаклаб келди. Талабаликнинг ilk кунларидан устозларимизнинг берган таълим ва тарбияси, тиббиёт оламидаги барча янгиликлар, тиббиётга оид адабиётлар мени тиббиётнинг энг қизиқарли йўналишларидан бўлган - педиатрия соҳасини танлашимга сабаб бўлди. Илмга бўлган иштиёқ, таълимнинг магистратура босқичида педиатрияниң мураккаб ва муаммоли йўналиши бўлган юрак касалликлари ва биректиручи тўқиманинг дисплазияси соҳасида илмий изланышлар

# ТАНЛАНГАН МАВЗУИМ ЖУДА ДОЛЗАРБ

олиб боришига унади. Шу мавзу юзасидан Россия Федерациясининг Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университетида бир ой давомида ўз малакамни ошириб келдим. РФнинг етакчи олий таълим муассасасида ўқиб, «Болалар кардиологияси» бўйича янги билим ва малакаларга эга бўлдим. Бу илмий изланышларимни кейинчалик Олий ўқув юртидан кейинги таълим – докторантураси босқичида давом этиришга қарор қилдим ва 2018 йил январь ойидан бўён ТошПТИ Факультет педиатрия кафедрасида таянч докторантураси изланувчиси сифатида фаолият юритиб келмоқдаман.

2. Менинг илмий ишим тиббиётнинг ҳозирда долзарб муаммоларидан бири бўлиб, қуйидаги мавзуда тасдиқланди: «Биректиручи тўқима дисплазиясининг кардиал кўринишлари бўлган болаларда юрак-қон томир касалликлари шаклланишини клиник-патогенетик асослаш». Мавзунинг долзарблиги шундаки, юрак-қон томир патологияси таркибида юракдаги биректиручи тўқима дисплазияси билан боғлиқ бўлган ҳолатлар катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Биректиручи тўқима дисплазияси тузилишининг ўзига хос ноёблиги унинг кўплаб аномалиялар ва касалликлар пайдо бўлишига мухит яратиб бериши ҳисобланади. Бу аномалиялар юрак фаолиятидаги функционал ўзгаришларнинг морфологик асоси ҳисобланади, юракнинг органик зарарланишларида эса уларнинг оқиба-

тини оғирлаштириши мумкин. Кейинги йилларда юракдаги биректиручи тўқима дисплазиясининг асосий белгилари тўғрисидаги адабиётлар сони ортиб боришига қарамасдан биректиручи тўқима дисплазиясининг кардиал кўринишлари бўлган болаларда юрак-қон томир касалликлари шаклланишига қаратилган муаммолар жавобсиз қолмоқда. Илмий раҳбарим, Устозим А.В. Муратходжаева билан биргалиқда ушбу муаммони чуқур ўрганиб, масаланинг ечимини топиб, уни бартараф этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

3. Диссертация ишимнинг янгилиги шундан иборатки, юрак ривожланишидаги кичик аномалиялари бўлган болаларда юрак қон-томир патологиясини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатувчи нисбий хавфни баҳолаш болаларнинг ушбу гурӯхида касаллик эҳтимоллигини таҳмин қилиш имконини беради. Шу қаторда кардиоваскуляр патологиянинг белгилари ва функционал бузилишлар клиник белгиларининг хусусиятиларини аниқлаш, юрак ривожланишидаги кичик аномалиялари бўлган болаларда касалликнинг эрта ташхисланишини ва унинг оғирлигини баҳолашни таъминлайди. Бундан ташқари юрак ривожланишидаги кичик аномалиялари бўлган болаларда юрак-қон томир патологиясини эрта ташхислаш учун алгоритм ишлаб чиқиши касалликни ўз вақтида аниқлаш ва шунга мувофиқ даво тайинлаш имконини беради.

*«Педиатр» газетамизнинг ушбу сонидан бошлиб унинг саҳифаларида тажрибали устозларимизнинг, олимларимизнинг талабалик йиллари ҳақидаги хотираларини бера бошлимиз. Ушбу материаллар бугунги кун ёшлиарида бўлажак касбига бўлган масъулият, устозлар тажрибасидан ўрнак олии эҳтиёжи билан бирга бугунги кун шукронасини туйши ҳиссини ҳам тақдим қиласди деган умиддамиз.*

## БИЛИМНИ АМАЛИЁТДА МУСТАҲКАМЛАР ЭДИК

Инсон умри бежиз оқар дарега қиёс қилинмас экан. Болалик, ўқувчилик йилларимда партада ўтириб шифокорлик касби ҳақидаги орзуимга эришганимга хам 35 йил бўлибди.

Эсимда, раҳматли бувижоним биринчи синфга чиқаётганимда қулимга бир даста гул тутқазиб, «ўқиб шифокор бўл!» деб дуо килган эдилар.

17 ёшимда Ўрта Осие Педиатрия тиббиёт институтининг талабаси бўлдим. Бу сўз шунаканги жарангли, екимли эдики, буни фақат талаба бўлиш орзусига эришган одамгина ҳис қила олади. Мен, оила аъзоларимгина эмас, бу хушхабардан бутун маҳалламиз чин дилдан қувонган, кўни-кўшниларимизнинг барчаси қаерда кўришса қутлаб, эзгу дуолар килишган, хатто уйга келиб табриклишган. Онам хурсандчидикларидан ҳамма қўшниларга рўмоллар улашиб чиқкан эдилар. Атрофдагиларнинг чин қалдан билдирган тилаклари менинг зиммамга катта масъулият юклаган эди.

Бизнинг гурухда турли миллат вакиллари таҳсил олишар эди. Гурухимиз Туркманистон, Тожикистон, Қозогистон, Қирғизистон ва республиканинг барча вилоятларидан келган талабалардан иборат аҳил гурух эди. Худди ҳозирги даврдагидек бизга ҳам мураббий тайинланган эди. Тиббиёт ҳақида фақат мактаб дарсли-

гидан бир оз маълумотга эга 1-босқич талабалари учун гўдакларни даволаш соҳаси гўё қоронғу ўрмондек гап эди. Мураббийимиз Акмал Ганиевич биринчи сухбатдаёқ тўғри йўналиш бердилар. «Назарий билимларингизни амалиет билан бирга олиб бормас экансиз, сиздан ўз касбига садоқатли, сабрли ва меҳрибон шифокор чикмайди», – дедилар. Шунда гурухимиздаги талабалар: «Ҳеч қандай тиббий маълумотсиз амалиет ўта олмаймиз-ку!», – деб ҳайрон қолишиди. Улар эса қулимсираб жавоб қайтарганлар: «Тиббий амалиет биринчи курсда санитарликдан бошланади, фақат бунинг учун ўзингизни шу касбга лойик деб билсангиз». Эртаси куни ёк ўзимиз ўқийдиган институт клиникасидан иш топдик. Тўрт нафар қизни 0,5 ставкадан ишга қабул қилишди. Хурсанд бўлганимизни кўрсангиз эди ўша пайтда. Биринчидан, устозимиз берган маслаҳатга кўра илк қадамимизни ташладик, кейин оиласиз бюджетига ҳам ҳисса қушишимизни уйлаб шодлигимиз яна ортар эди. Касбдан ҳеч қачон уялмаслик ҳисси бизда ўшандан пайдо бўлган эди. Шифокор бўлиб ишлаганимизда ҳам ушбу касб эгаларига ҳурматимиз баланд эди. Гурухимизда 11 киши бўлса, 10 киши ишлар эдик. Ишимиз ўкишишимизга асло ҳалақит бер-



масди. Аксинча, ҳамма фақат «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўкирди. Ишляяпмиз деб ўзимизга баҳона ҳам тўқимас эдик. 3-босқичдан тиббиёт ҳамшираси лавозимига кўтарилдик. Ўша йилларни эслаб, бизларда ўқища ҳам, ишда ҳам масъулият кучли эканлигини хотирлайман.

Бугунги кун ҳам устоз сифатида талабаларимга разм солар эканман, шуни сезаманки, кимда-ким амалиётда машғул бўлса дорихонада, тез ёрдамда клиникадами, ўша талабаларнинг фикрлашлари кенг, масъулиятли ва ўқища ҳам ўзларига талабчан.

Ҳозирги кунда тиббиёт олийгоҳларидаги барча босқич талабалари ўтаётган амалиёт жараенида ва умуман ўқиши даврида ҳам вақт топиб шифокорлар амалиётини кузатишлари, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаб боришлари фойдадан ҳоли эмас. Бу уларнинг моҳир шифокор бўлиш томони қўйган қадамлари хисобланади.

**Дилфузা Турдиева**  
**1-Госпитал педиатрия кафедраси доценти**

## АБДУЛЛА ОРИПОВ БИЛАН КОРЕЯДА СОДИР БЎЛГАН ҚИЗИҚ ВОҚЕА

Бу воқеани улуғ устоз Абдулла Орипов сўзлаб берган эди:

—Бир куни Кореяга, бутун дунё шоирлари халқаро анжуманига чақириб қолишиди. Борсак, Совет Иттифоқидан икки киши эканмиз. Русларнинг машхур шоири Андрей Вознесенский ва мен. Русчани унча мунча билганим учун иккимиз ҳамроҳ бўлиб, қадрдонлашиб юрдик. Анжуман гулдурос қарсаклар билан ўтди. Бироз бўш вакт қолганди, кўча кездик, магазин томоша қилдик, бозор айландик. У-бу оламиз деб чамалаб турсак, бир корейс, бир туфли кўтариб юрган экан, кўзимга жуда чиройли кўриниб, хаridor бўлдим. Лекин уни қандай олиш керак, нарх-навоси қанча, савдони қандай пишириш керак. Таваккал деб русча гапириб кўрсам, «Нима деяпсан?» – дегандай «им» қоқади. Ўзбекча гапирсам, тушунмаяпман дегандай, кулогини тутади. Алай-балай деб,

имо-ишора қилсам, бир пайт тутоқиб, бақириб кетса бўладими, оғиздан тупук сачрайди, жаҳл килади, ўқраяди, ғазабдан юзлари қизариб тутокади, индамасанг дўппослайдиган важоҳати бор.

Нима дейишга ҳайронман. «Ол-э», матоҳингни деб кетворай десам, кетқазадиган шашти йўқ. Андрей Вознесенский инглизчани билар экан, охири «Нима гап?», деб инглизчча гапириб қолди. Корейс ҳам эринмай бир инглизчани биладиган одамни топиб келди. У одам бизнинг Совет Иттифоқидан келган шоир эканимизни пойабзал сотувчига тушнтириди шекилли, бир дамда попуги пасайиб, ҳовридан тушиб, чўккалаганча кечирим сўрашга тушди. Туфлини ҳам қўлтиғимга қисиб, «Олиб кетавер, олиб кетавер, бепулга совға қилдим», дея имо-ишора қилади. Охир-оқибат сўраб суриштиришимиздан кейин маълум бўлдики, сотувчи

мени корейс деб ўйлаган, «Нега ўз она тилинг бўлган корейс тилини унутиб юбординг, энди сен ҳам одам бўлдингми, сенга туфли хайф, сен хиёнаткор баттолсан!» – деб дарғазаб бўлиб, мендек нобакор болани катта қилган ота-онамнинг гўрига фишт калаётган экан. Андрей Вознесенский исёнкор, миллатпарвар, эркин қарашларга мойил шоир эди. Корейснинг бу хулқ атвори унга жуда маъқул келди. Корейснинг елкасига қўл ташлаб анчайин яхши гаплар айтиб юпатди. Менга ҳам, «Тилни хурмат қилишни, миллатни хурмат қилишни, ўз она тилимизни йўқотсак бир чақага қиммат одам бўлиб қолишимизни мана шу корейсдан ўрганишимиз керак экан», деди. Андрей Вознесенский доимо шарф тақиб юрар эди. Бўйнидаги шарфни ечди-да, ўз тилига эҳтироми учун, миннатдорлик тариқасида корейсга совға қилиб юборди.

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қўйидаги кафедралар лавозимларига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:** Гистология, патологик анатомия;

**ДОЦЕНТЛАР:** Тиббий ва биологик кимё; Болалар юқумли касалликлари; Факультет болалар хирургияси; Педагогика ва психология; Госпитал болалар хирургияси; Суд тиббиёти, тиббиёт хуқуки.

**ЎҚИТУВЧИЛАР:** Ўзбек, рус ва лотин тиллари; Чет тиллари;

**АССИСТЕНТЛАР:** Хирургик касалликлари; Факультет педиатрияси; Патологик физиология; Болалар юқумли касалликлари; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Аnestезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси; Биофизика, тиббий информатика; Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси; Травматология, ортопедия, болалар травматологияси, ортопедияси; Госпитал педиатрия №1 ноанавий тиббиёт асослари; Госпитал педиатрия №2 ноанавий тиббиёт асослари; Эпидемиология, юқумли касалликлар; Тиббий ва биологик кимё;

**Танлов муддати –эълон чиққан қундан 1-ой**

**Манзилгоҳ- Богишамол кўчаси 223, Тош ПТИ. Автобуслар: 115, 19 ТошПТИ бекати. 16.01.2019,**

 <p>САХОДАЛИК – ТУМАНБОЙЛИК ЕЛОРОГИЯ ВАРДА – ЙОГАНГИ СТРИМ <b>PEDIATR</b></p> <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p>	<p><b>Таҳрир кенгаши:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Кудайберганов, Б.М. Таджиев, С.С. Гулямов, Г. Усманова</p> <p><b>Нашр учун масъул:</b> Г. Ашурова</p>	<p><b>Бош мухаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ</p> <p><b>Таҳрир ҳайъати:</b> (иши гурӯҳ)</p> <p>Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинганд.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Богишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'lporon nomidagi NMU техник ва дастурий воситалари базасидаги этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва бепул таркилади.</p>
---	---	---	--